

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

## СССР Олий Советини чақириш тўғрисида

СССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:  
СССР Олий Советининг Улуғ Октябр

социалистик революциясининг қирқ йиллигига бағишланган юбилей сессияси 1957 йил 6-ноябрда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ,  
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль  
1957 йил 15 октябрь.



Пахтачилик юзасидан бирлашган илмий сессиянинг очилиши. Суратда: Сессия президиуми.

А. Палехов фотоси.

# ПАХТАЧИЛИК ЮЗАСИДАН БИРЛАШГАН ИЛМИЙ СЕССИЯ

15 октябрда Тошкентдаги Навоий номи театрида пахтачилик юзасидан бирлашган илмий сессия очилди. Бу сессияни СССР Қишлоқ хўжалик министри, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, СССР Фанлар Академияси, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар Академияси чақирди.

Театр зали одамлар билан лиқ тўла эди. Сессиянинг ишларида Москвадан пахта академик ҳамма республикаларнинг олимлари, партия ва совет ходимлари, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши практиклариди, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ-Демократик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Югославия Вилна Иттифоқи ва шунингдек Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Франция ва Миср мамлакатларининг олимлари ҳамда мутахассислари қатнашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. А. Муратдинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. К. Камолов, СССР Қишлоқ хўжалик министри В. В. Машков, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти П. П. Лобанов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Р. Е. Мельников, М. А. Абдурашодов, Г. А. Габриельянц, З. Р. Раҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари М. З. Мирзаходов, А. Н. Рудин, Тошкент области партия комитетининг секретари С. Р. Риддинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. К. Зибатуллаев, М. В. Муҳаммадиев, СССР Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Д. Р. Раҳимов, ВАСХНИЛ вице-президенти М. А. Ольшанский, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти Х. М. Абдуллаев, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти К. З. Зокорев, Ўзбекистон ССР суви хўжалиги министри В. А. Билбас, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги А. Н. Асоченский, И. С. Варуцкий, И. Ф. Васильев, И. А. Баранов, С. С. Базан, И. А. Шаров, Октябр районидаги «Шарқ» колхозининг раиси, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг фахрий академиги ўч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Т. Турсунқулов ва бошқалар президиум столи ёнида ўз ўринларини эгалладилар.

Президиум аъзолари орасида иттифоқ республикаларининг олимлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари — Қозғоистон КП Марказий Комитетининг секретари И. Т. Тожиев, Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. К. Қадиров, Туркменистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари К. А. Васильев, Арманистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг муdiri Г. А. Степанян, Озарбайжон ССР қишлоқ хўжалик министри Г. А. Семенов, Қирғизистон қишлоқ хўжалик министри Т. Неходов, Уш область Оронан районидagi «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аъло Аноровлар ҳам бор.

Президиум столи ёнида сессиянинг ишларида қатнашиш учун келган чет эл олимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари — Хитой Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ян Сянь-лун, Чирпан шаҳридаги (Болгария) пахтачилик илмий-тегириши институтининг директори И. Манолов, Югославия пахтачилик институтининг директори И. Манев, Белград университетининг ботаника профессори Р. Главичин, Корея Халқ Демократик

Республикаси қишлоқ хўжалик илмий-тегириши институтининг илмий ходими Ким Кван Бон, Вьетнам Демократик Республикаси Қишлоқ хўжалик министри техника ажиллари бўлимининг бошлиғи Ла-Суан-Динь, Бирма Иттифоқининг қишлоқ хўжалик министри ҳузуридаги Икрония бўлими раҳбарининг ўринбосари У Тун Теий ўтирибдилар.

Сессия В. И. Ленин номидаги Бутун Иттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти П. П. Лобанов очди.

Уртоқ Лобанов, сессиянинг ишларида бир қанча чет эллардан келган олимлар қатнашганлигини билдиради. Уртоқ Лобанов уларни салимий табирилади ва фан ҳамда техника соҳасидаги муваффақиятларини айир-биради, Совет Иттифоқи билан чет мамлакат олимлари ўртасида шахсий алоқа ўрнатилган ҳақиқатлар ўртасида ҳамжиҳатликни яхшилашга, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдиради.

Биз, дейди сўнгра номиқ, — Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги байрамга кун сайин яқинлашиб бормоқда. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари совет ҳокимияти йилларида Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришдилар.

Қудратли индустриянинг вужудга келиришида қишлоқ хўжалигининг энг янги техника билан таъминлаш имконини берди. Ленинка кооператив план асосида вужудга келган колхоз тузуми неча ўз миллионлаб деҳқонларнинг меҳнати ва турмушини тубдан ўзгартириб юборди, уларнинг бадавлати ва маданий ҳаёт кечиришлари учун кенг порлоқ йўл очиб берди, социалистик хўжалик системасининг буюк ҳаётий кучи ва бенаҳқ афзаллигини бутун дунёга намойиш қилиб кўрсатди.

Қишлоқ хўжалигимиздаги жуда катта имкониятлар КПСС Марказий Комитетининг 1953 йил сентябрь Шелумулан кейин жуда яққол кўрилди. Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришга раҳбарликни яхшилаш, — деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш кўпайтиришда қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида муҳим тадбирларни белгиладилар ва бу тадбирларни ижролик билан амалга оширмоқдалар.

Номиқ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш соҳасида ва аянало унинг негизи бўлган дон хўжалигини ривожлантириш соҳасида эришилган катта муваффақиятлар тўғрисида гапирди. Қишлоқ меҳнаткашлари ана шу муваффақиятларга ва социалистик хўжаликни бошқариш методларининг устуворлигига талвиб, ҳозирги вақтда партия ва ҳукумат томонидан қўйилган энг муҳим хўжалик ва сисий вазибаларин, яъни аҳол жон бошига ўлти, сўт ва ёт етиштиришда Америка Қўшма Штатларида яқин йиллар ичида етиб олин вазибаларин ҳал эттиш йўлида бутун совет халқи билан биргаликда зўр ғайрат ва баланд руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Пахтачиликни ривожлантиришга партия ва ҳукумат томонидан кўрсатилган катта ғамхўрлик ва қол-ҳозирлар, МТС ва совхоз ходимлари ҳамда мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли пахта етиштириш кўпайтириш йўлида катта муваффақиятларга эришилди. Утган йилда пахта майдони икки миллион гектардан орти, етиштирилган пахта эса революциядан илгариди даврданга нисбатан қарийб олти баравар кўнайди. 1956 йилда мамлакатда ҳар гектар ердан ўртача 21 центнердан пахта олинди. Бу эса, совет пахтачилигини ривожлантиришда

юксак даражага эришилганлигини кўрсатувчи мисоллардан биридир.

Мамлакатимиз пахтачилигининг асосий бааси бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари 1 миллион 300 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 22 центнердан пахта етиштирдилар ва давлатга 2 миллион 858 минг тонна пахта топширдилар. Шу билан бирга кўпгина колхоз, совхозлар ва бутун-бутун районлар ҳар гектар ердан олтидан пахта ҳосилини 30-40 центнерга етказдилар.

Тожикистон пахтакорлари ўтган йил пахтаининг ҳар бир гектаридан ўрта ҳисоб билан 25,2 центнердан, шу жумладан оддий сортлардан бўлган пахтаининг ҳар бир гектаридан 28 центнердан ва илгичка толали пахтаининг ҳар бир гектаридан 22 центнердан ҳосил олдилар. Пахта етиштирувчи бошқа республикалар ҳам юксак кўрсаткичларга эришилдилар.

Пахтачиликни муваффақиятли ривожлантиришда фаннинг роли катта бўлди. Илмий-тегириши муассасалари пахтакорлар омаси билан биргаликда деҳқончиликнинг бу муҳим тармоғини ривожлантиришга доир биргалик катта масалаларни ҳал қилиб бердилар.

Ўзани парвариш қилиш агротехникасига доир масалалар ишлаб чиқилди. Тупроқини ўрганиш ва тупроқ хараитларини тузиш соҳасида катта ишлар бажарилиди. Бу эса, мелиорация ва агротехника тадбирлари системасини ҳар бир районнинг шароити ҳисобга олтиришга имкон беради. Турли зоналар учун пахта — беда олошлаб экиш схемалари тавсия қилинди ва олошлаб экишнинг катта афзалликлари борлиги исбот этилди.

Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, тупроқ шароитига қараб экинларни сугориш тартиблари тавсия қилинди, чигитни квадрат уялаб экиш системаси ўрганиб чиқилди ва ишлаб чиқаришга кенг қўйилиш учун тақдир этилди. Пахта ериларини кучта шудгор қилиб қўйишнинг катта аҳамияти исботлаб берилди, экинларнинг зараркундаларидан ва касалликларига қарши кураш тадбирлари ишлаб чиқилди, колхозчиларнинг меҳнатини осонлаштирадиган бир қанча машиналар яратилди.

Пахта уруғчилиги системасини ва унинг селекциясини ташкил этишда олимларимизнинг қўнган катта ҳиссалари диққатга сазовордир. Серҳодия янги сортларини жорий қилиш йўли билан тўрт марта сорт олошмаларини ишлари ўтказилди. Бу эса пахтаининг ҳосилдорлигини анча ошириш билан бирга, толаининг сифатини яхшилашга ҳам имкон беради.

Совет халқининг моддий фаровонлиги ошиб бораётганига ва мамлакатимиз экономикасини янада ривожлантириш манфаатлари яқин сифатида газламалар ишлаб чиқариш, қиновари, пахта етиштиришнинг кўпайтириш ва унинг сифатини ошириш соҳасида бизнинг олимларимизнинг масъулиятли вазибаларин қўйилди. Бу вазибаларин экин майдонларини янада кенгайтириш йўли билан бирга асосан ҳамма пахтакор районларда пахтаининг ҳосилдорлигини анча ошириш йўли билан ҳам ҳал қилиш керак.

Энг муҳим вазибаларининг бири йуқи, ин унуми анча юксакроқ бўлган машиналар системасини тетроқ ишлаб чиқишимиз лозим. Селекционерлар пахтаининг эрта очилдиган яқин сортларини етиштириб беришлари керак. Пахта экиладиган янги районларни комплекс равишда янада ўрганиш, пахтачиликни тағин ҳам рационалроқ қилиб жойлаштириш ва ихтисослаштириш, минерал ва органик ўғитлардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш талаб қилинмоқда. Янги ирригация системалари куриш ва маржуд системалардан тағин ҳам самаралироқ фойдаланиш, тупроқининг

шўр босинига қарши курашмоқ учун янада рационалроқ усуллари ишлаб топил, тўзалари зараркундала, хашаротлар ва касалликлардан муҳофаза қилиш усуллариини такомиллаштириш лозим.

Пахта — беда олошлаб экиш пахтачилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам ғоят катта аҳамияти бўлади ақинда бир центнер пахтаини етиштириш учун нуқул пахта экиш билан шугулланган вақтдаги қарама-қарши меҳнат 24 процент, ўғит 34 процент, сув 20 процент кам сарф бўлади. Пахта — беда олошлаб экишнинг ўзлаштириш яли пахта ҳосилини кўпайтиришнинг ва меҳнат унумдорлигини оширишнинг жиддий резервдир. Шу сабабли илмий-тегириши муассасалари олошлаб экишларини ҳамма жойда жорий қилишга тағин ҳам активроқ ёрдам беришлари зарур. Бедадан муҳим қадар кўпроқ хашак ва уруғлиқ олин мақсадида олоб бориладиган илмий-тегириши ишларини кенгайтириш лозим.

Кузги шудгорининг катта аҳамияти бор. Бироқ, кузги шудгорини афзаллиги қўнган бери маълум бўлишига ва амалда яқин синаб қўриланганлига қарамай, 1956 йилда пахта экиладиган майдонининг фақат 60 процентига кузги шудгор қилиб қўйилди. Пахтаини ўз вақтида териб олиш бутун пахта майдонини кузга шудгор қилиб қўйиш тавсия қилинган асосий шартдир. Шунинг учун, биринчидан, пахтачиликни ҳозирги районлаштирилган сортларга қаратанда 7-10 кун олдинроқ очилдиган тезинлар, серҳодия пахта сортларини билан таъминлаш, иккинчидан, пахта териш учун ҳам, шунингдек қўрак териш учун ҳам мажбур машиналардан тўлиқ фойдаланиш лозим.

Олимлар пахта экидан турли районлар учун, айниқса Мирашўлда, Қара-Арак паст текислиги, Қорақўм сингари ва бошқа районлар учун агротехника системасини янада такомиллаштиришга ва комплекс равишда ишлаб чиқишга бутун курашларини сарф қилишлари зарур. Ҳар бир айрим районда пахта экиладиган ерларин қачон, қандай чуқурликда ва қай усулда ҳайлашни, тупроқини чигит экиш учун тайёрлаб қўйиш усуллариини, қатор ерларини тайёрлаш чигитини хавлат-уялаб экиш схемаларини ва ҳозирларини аниқлаб беришимиз керак.

Меҳнат унумдорлигини ошириш пахтачиликни юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир. Ишларини меҳнатиязалияни шундай даражага етказиш керакики, бунинг натижасида меҳнатга яроқли ҳар бир колхоздаги эки соҳаси ишчисига 3 — 5 гектардан пахта майдонини тўғри келадиган бўлсин, эки меҳнатга яроқли ҳар бир колхозчи ва совхоз ишчиси 10 — 15 тоннадан пахта етиштириб берадиган бўлсин. Пахта теришнинг машиналаштириш энг тез фурсатда ҳал қилиниб берилишини лозим бўлган вазибалар.

Пахта майдонлари анча кенгайтирилганлиги сабабли сугоришни тўғри ташкил қилиш жиддий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Бу ишнинг шундай ташкил қилиш керакики, экин майдонларини энг кўп миқдорда ошириш билан бирга, бузгин учун сугориш системалари куришга энг кам меҳнат ва мабаъ сарфлагилган бўлсин. Илмий-тегириши муассасалари ерларининг мелиорация ҳолатини яхшилаш ҳамда шўр ва зах босган ерларин яхшилашнинг энг рационал усуллариини ҳам ишлаб чиқишлари лозим. Озарбайжон ССРдаги Жафарқой тажриба станциясининг тажрибалари диққатга

сазвордир. Бу станциянинг ерларини жуда нуқур қилиб қазилаган ва усти ёпилган зовур системаси бир неча йилдан бери яқин ишлаб келмоқда ва шўр босган ерларининг шўрини кетказишни таъминлади. Шунинг учун ҳам бу станциянинг далаларида илгичка толали пахтадан ва бошқа экинлардан Яил сайин мўл ҳосил олинмоқда.

Ариқларда сувнинг шимиллиб кетишига йўл қўймаслик учун тупроқини тизилан эки сувни шимдирмайдиган махсу ва арзонга тушадиган тадбирлар тавсия қилиниши лозим. Сизот сувардан сугориш учун фойдаланиш имкониятлари ва шароити ўрганилиши керак. Шу муносабат билан сугоришнинг такомиллаштирилган усуллари, жумладан, суний ёмғир ёдириш йўли билан сугориш усуллари ишлаб чиқилиши ва жорий қилиниши керак.

Чигитни квадрат-уялаб экишнинг катта афзалликлари борлигига энди ҳеч ким шубҳа қилмайдиган бўлиб қолди. Илмий-тегириши муассасаларининг вазибалари шунки, улар квадрат-уялаб экиш соҳасида тўпаланган кенг тажрибаларин яқин фурсат ичида яқинлаб умумлаштириб беришлари ва бу усулни асосий пахтачилик районларида қўланишини яқин схемаларини белгилаб чиқишлари зарур.

Махсу алоҳида проблемалар билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини ташкил этиш системасини пахтачилик районларининг конкрет шароитига мослаб ишлаб чиқиш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Олимларимиз ва малакали мутахассисларимиз қўнганлига қарамай, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг биттасида ҳам бундай системани ишлаб чиқилган проекталари йўқлиги тоғат қилиб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Коммунистик қурилиш манфаатлари қишлоқ хўжалигини тағин ҳам тезроқ юксалтириш талаб қилаётган ҳозирги шароитда амалий тавсияларини ишлаб чиқиб, ишлаб чиқаришга жорий қилиш соҳасида ҳам, шунингдек назарий проблемаларини янада ишлаб чиқиш соҳасида ҳам фаннинг, қишлоқ хўжалигига ишловчи олимларининг роли ва улар олдига қўйилдиган талаблар жуда оғир бормоқда.

Олимларнинг муқаддас бурчи шунки, улар социалистик қишлоқ хўжалик практикаси ҳал қилиб берилиши талаб қилаётган масалаларини тағин ҳам активроқ ва иккадий ечиб беришлари, ишлаб чиқариш билан алоқани ҳар томонлама мустаҳкамлашлари, техникани тараққий етиштириш учун, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳамма турларини етиштириш кескин равишда кўпайтириш ва бу маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун, меҳнат унумдорлигини янада ошириш ва маҳсулот таънаригини камайтириш учун актив курашчи бўлишлари лозим. Фан муваффақиятларини ва илгорларининг тажрибаларини жорий қилишда ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ ёрдамлашиш билан бирга, тадқиқот ишларининг кенгайтирилишини ва бу ишларнинг назарий савиясини оширишимиз, бунинг учун фанка, хамия ва бошқа фанларининг энг янги муваффақиятларидан тўлиқ фойдаланишимиз лозим. Социалистик давлатимизнинг итисодий қудратини янада янагини соҳасидаги битмас-туганмас имкониятларини топиб ва бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, материалистик биологияни иккадий ривожлантиришимиз зарур.

Уртоқ Лобанов, Коммунистик партия раҳбарлигидан мамлакатимизда коммунистик жамият куришдек юксак мақсад сари бораётган, халқимизнинг бахт-саодати учун қиш-

лоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш соҳасида КПСС XX съезди томонидан қўйилган вазибаларини муваффақиятли бажаришда бу сессия олимларининг куч ва ғайратларини бирлаштиришга ёрдам беради, деб ишонч билдириди.

Сессиянинг кун тартиби ва иш регламенти бир овоздан тасдиқланди.

Ўзбекистон ССРда пахтачиликнинг янада ривожлантириш истиқболлари ва қишлоқ хўжалик фанларини вазибаларини тўғрисида доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси С. К. Камоловга сўз берилди.

Бу сессия, — дейди ўртоқ Камолов, — бутун мамлакатимиз ва бутун прогрессив инсоният Улуғ Октябр социалистик революциясининг 40 йиллигини кутиб олинган таъбирланайтган вазибаларга ўнмоқда. Бу 40 йиллигининг шонли йилларини марксизм-ленинизмнинг улуг идеяларини тағин ҳам қўлланганини, партияимизнинг ленинка бон йўли га-лаба қозонганлигини кўрсатувчи ёрдам беради.

Марксизм-ленинизм идеяларининг ҳаётбахш кучи совет ҳокимияти йиллари давомида гуллаб-яшиб турган индустриал колхоз республикасига айланган Ўзбекистон мисолида айниқса яққол кўриниб турибди. Докладчи ердин мисоллар келтириб, Ўзбекистон ССР халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари эришган муваффақиятларини кўрсатиб берди.

Ўзбекистоннинг иккинч шароити, тарихдан вужудга келган хўжалиги республикаимизнинг мамлакат экономикасида пахта етиштирувчи асосий мисолида бўлишини таъминлади. Партия ва ҳукуматнинг тинмай қилаётган ғамхўрлиги туфайли республикаимизда пахтачилик тўхтовсиз ривожланиб бормоқда. Пахта етиштириш агротехникасида консерватизмга қарши кейинги йилларда кескин кураш олиб борилганлиги кейин бу соҳадagi муваффақиятлар айниқса сезиларлик бўлиб қолди.

1955 йилдаёқ деярлик ҳамма пахта майдонларида чигит тортатирилган қатор ороларига экилади. 1956 йилда эса пахта майдонининг қарийб ундан икки қисмини чигит квадрат қилиб экилади ва ғўза қатор оролари узунасига ҳамда қўндалангига ишланди. Чигит экишнинг янги усули ҳосилини оширишни таъминлади, техникага кенг йўл очиб берди, одамларининг меҳнатини енгиллаштирди, етиштириладиган ҳар бир центнер пахтага сарфлагилдиган меҳнатни камайтирди.

«Пахта етиштириш ва тайёрлаш ишнинг моддий рағбатлантиришини янада ошириш тадбирлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йилда қабул қилган қарори пахтачиликни юксалтирмоқ учун кенг истиқбол очиб берди.

«Пахта ва ҳукумат белгилаб берган тадбирларнинг амалга оширилиши, колхозчилар, совхоз ва МТС

ишчиларининг фидокорона меҳнати ажойиб натижалар берди. Ўзбекистон пахтакорлари 1956 йилда 2 миллион 858 минг тонна, яъни мамлакатда етиштирилган бутун пахтаининг ундан икки қисмини, эки 1913 йилдаги қараганда қарийб 6 баравар кўп пахта етиштириб, давлатга топширдилар.

Ўзбекистон пахтакорлари КПСС XX съездининг тарихий директива-ларини бажариб, пахта етиштириш иш йилининг ўнлаб қарийб 400 минг тонна қўнатирилди.

Об-ҳаво шароити ноқулай келадиган қарамай, пахтакорларининг фидокорона меҳнати ва давлатга тобора кўпроқ ёрдам бераётганлиги туфайли бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди. 15 октябрга қадар давлатга 1 миллион 600 минг тонна яқин пахта топширилди. Хозирги вақтда республика пахтакорлари ҳосилини ўз вақтида ва ноқулай қилиб териб олин, ўзларининг социалистик мажбуриятларини бажариш — давлатга қамда 3 миллион тонна пахта топшириш ва шунингдек Ватанимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўлиш учун ўзларининг бутун кучларини сарфламоқдалар.

Пахта етиштириш янада кўпайтириш аявало пахта ҳосилдорлигини ошириш йўли билан бажарилиши керак. Бу вазибаларини назарда муҳимлигини доғдал шундан билтиш мумкинки, ҳатто 1956 йилда ҳам барча пахтакор колхозларининг 45 проценти, эки ҳаммаси бўлиб 480 минг гектар ери бўлган 739 колхоз пахтаининг ҳар бир гектарыдан 20 центнердан кам ҳосил олдилар. Шу колхозларда пахта ҳосилдорлигини республикадаги ўртача даражага етказиш, яъни ҳар гектардан 22 центнердан ҳосил олаш йўли белгилаган мамлакатда қўнмча равишда тахминан 250 — 300 минг тонна пахта олган бўлар эди.

Илгор колхозлар ва совхозларининг тажрибалари ердан мохирлик билан фойдаланиш, прогрессив агротехника усуллариини қўланиш туфайли колхозчилар катта-катта пахта майдонларидан ҳар йил мўл ҳосил олаётганликларини яққол кўрсатиб турибди. Ҳаммаси бўлиб 400 минг гектарга яқин ери бўлган 450-470 колхоз ҳар йил гектаридан 25 центнердан ошириб ҳосил олмақда.

Мана шунинг ўзи хўжалигимизнинг жуда катта резервлари борлигини кўрсатади. Бу резервлари ишга солиш ва ҳосилдорлигини ошириш ишини зўр куч билан ривожлантириб юбориш зарур.

Ватанимизнинг фани, совет олимлари пахтачиликни юксалтиришда катта хизмат қилдилар. Бироқ, турмуш фан арбоблари олдида тобора янги масалаларни қўймоқда. Назарий ва амалий иш янада юқори кўтармасдан туриб бу масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Бу ишда бизнинг жиддий камчилигимиз ҳамда ҳамма куч.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

## КУЙБИШЕВ ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИНING 20-АГРЕГАТИ ИШГА ТУШДИ


ЖИГУЛЕВСК (Куйбишев области), 14 октябрь. (ТАСС) Куйбишев гидроэлектростанциясининг охириги, йилгирмалик гидроагрегати буғун совет 20-40 минутда сазоват токи бери.

Биринчи гидроагрегат ишга туширилгандан бери Куйбишев гидроэлектростанцияси 8 миллиард киловатт-соатта экин электр қуввати ишлаб чиқарди.



УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Колхоз қишлоғи гуллаб-яшнамоқда



Колхоз правленисининг биноси



Колхоз меҳмонхонаси



Янги ўрта мактаб биноси



Қишлоқ кўчаларидан бирида



Қишлоқда селмағ ишлаб турибди



Колхозда 2 мingga яқин парранда бор.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиз халқларининг асрий оруз-умидларини рўйга чиқарди, уларни бахт-саодатли социалистик ҳаёт йўлига олиб чиқди. Совет ҳокимияти йилларида бепойб Ватанимизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Халқимизнинг ҳаёти фаровон бўлди, маданияти гуллаб-яшнади. Утмишда қаровсиз ётган, нисон оёғи етмаган жойларда социалистик шаҳарлар, обод

қишлоқлар пайдо бўлди. Областиимизнинг Бекobod районидagi Дзержинский номидаги колхоз қишлоғи ҳам Совет ҳокимияти йилларида бунёдга келиб, ҳар томонлама гуриқраб ўсган социалистик қишлоқларимиздан биридир.

Биз қуйида шу колхоз қишлоғи ҳақида материаллар босамиз.

## Сирдарё бўйидаги гигант колхозда

Паррандачилик фермаси биносидан сал нарида янги иморатлар кўзга ташланади. Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Эргаш Иброҳимов: — Бу кўринган биналар чорва молларимизнинг қишлоқ жойларидир, — дейди.

Кенг, озода ва механизациялаштирилган молхоналарда гоғиш ситирлар аста қавшамоқда. Сут соғувчи Фотима Соҳибгариева ва Осийба Обалимовалар «Света», «Тамара» ва «Зоя» деган ситирларни соғишга ҳозирлик қўймоқдалар. Чеккадаги озода хонада сепарат ва бошқа сут соғиш асбоблари турибди. Ситирчилик бригадасининг бошлиғи Мамажон Тошматов бизга, бу ерда 116 ситир кўлада боқилаётганини, колхозда аса 300 дан ортиқ ситир, 6 мингта яқин қўй, 280 от, 180 чўча борлигини айтади. Бу фермалар ҳар йили 100 тонна сут маҳсулотлари топишни планларини ошириб бажариб келмоқда. Даромади айтмайсизми? — дейди Тошматов, — биргина чорвадан колхозимиз ўтган йили 2 ярим миллион сўм даромад олди. Бу йили аса уч миллионни нўжлалмоқдамиз.

Дарё четидан қишлоқ чегараси бошланади. Қишлоқ худди қадимий дарё билан азалдан таниш ва қадрон бўлгандай баланд соҳилда кенг қулоқ ёзиб яшай кўрилади. Соҳилдан кун чиқиб томонга бироз юрлагандан кейин қалин дароҳлар боққа кирилади. Хамроҳимиз: — бизнинг маданият ва истироҳат боғимиз, — дейди. Боғда ёғи кинотеатр, ошхона, чойхоналар ишлаб турипти. Бу ерда колхозчиларнинг маданий дам олишлари учун барча қулай шароитлар яратилган.

Бог рўшарасида, кўчанинг нарига беткасида колхоз клуби қад кўтарган. Клубда кинотеатр, кутубхона, ўқиш зали ва бошқа маданий-оқартув объекти бора. Кечқурунлари бу ерда тамошанилар, қишлоқ ёшлари йиғилади. Ёш таламлар, даваскорлик тўғрақларининг аъзолари ўз маҳоратларини намойиш қиладилар, янги кинофильмлар кўрсатилади.

Бизга алоҳида мунка мактаби ишлаб турибди, — дейди парторг Иброҳимов, — клубдан узоқ бўлмаган жойда кўп хонали янги бино мунка мактаби учун берилган. У ерда колхозчиларнинг фарандалари ўрта мунка таълимни олмақдалар. Қишлоқда умумий таълим олиш учун қурилган 3 та мактабда колхозчиларнинг мингдан ортиқ ўғил-қизлари ўқимоқда.

Қишлоқ кўчаларидан ўтар экансиз, янги типда қурилган қатор уйлар, кўп хонали иморатлар эътиборингизни ўзига тортади. Бу иморатларнинг кўпчилигини колхозчилар ишлатди. Айрим биналарнинг пештоқларида аса вивескалар кўзга ташланади. Уларга қараб қишлоқ қалбини, унинг кўркам қиёфасини билиб оласиз: аптека, касалхона, болалар ялғиса, селмағ, правление идораси, тайёрлов пункти, мактаб, хаммом, меҳмонхона, рентген кабинети, туғруқхона ва қанчадан-қанча жамоат биналари бунёдга келган.

Соч-соқолга оқ арашган Абдуқодир ака Шукрулиев қишлоқ тарихини сўзлайди. Шукрулиев революциядан илгари бойлар эшитса қарол бўлиб ишлаган, ҳозир аса гигант колхознинг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. У янги социалистик тузум туйғайди бахтли ҳаётга эришган катта қишлоқ хўжалиғи коллективини меҳрибон билан бошқариб келатган талантли сарқорларимиздан бири.

Абдуқодир ака ўтмишнинг аслам экан, пешоналаридан

4200 гектар ерда экин етиштириб келмоқда, шундан 2575 гектари пахтазор бўлиб, уларнинг ҳар гектаридан 30 центнерга ақин ва айрим участкаларда аса 30 центнердан ошириб пахта олимоқда. Даромад 1956 йилда 20 миллион сўмга етди. Колхозчилар бу йилги даромадини 22 миллион сўмга етказиш ва тақсимотда кўлаб пул ва галла олишларини эъри ишонч билан сўзлайдилар.

Колхоз қишлоғи бўйлаб қайси кўчага борманг, ҳамма жойда янги қурилмаларга дуч келасиз. Қад кўтарган янги иморатлар қишлоқнинг ҳуснига-ҳусни қўшмоқда. Қишлоқда кейинги йилларда 450 хонадонга кўп хонали уйлар қуриб берилади. Бу йил 50 колхозчининг оиласи янги уйларида кўчиб ўтади. Колхоз правлениси уй-жой қурувчи колхозчиларга катта ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шу мақсад учун ёрдам кассасига 220 минг сўм пул ажратилган. Ишлаб чиқариш объектилари учун бу йил 1.5 миллион сўм пул сарфланди. Қишлоқда янги туғруқхона, ўрта мактаб, молхона ва гараж биналари қурилмоқда. Прораб-инженер Нил Евсеевич Федотов бошлиқ 24 кишилик қурувчилар бригадаси қишлоқда янгидан-янги иморатлари қуриб, фойдаланишга топиarmoқда.

Колхоз хўжалигининг мустақамланиши, қишлоқ қиёфасининг ўзгарishi билан кишилар турмуши ҳам тобора фаровон бўлиб бормоқда. Утмишда жинчирок ёки, лой кечиб, дарёга қатнаб сув ташиб тирикчилик ўтказган, умрида ўйин-куаги нимагини билмаган деҳқон буюк электр, радио, телевизор, телефон, водопровод ва бошқа турли-туман маданий буюмлардан баҳраманд бўлмоқда. Қишлоқ кўчаларида колхозчиларнинг шахсий «Победа», «Зим», «Москвич», енгил автомашиналарини учратиш мумкин.


Ўтмишда қишлоқда саводхон кишини топиб бўлмасди. Меҳнатқаш деҳқон илму-маърифатдан маҳрум эди. Совет давлати арқин ҳаёт билан бирга, кишиларга илму-ҳўнар олиб келди, ижод ва экансиз йўлини кўрсатди. Индиликда қишлоқ аҳолиси ёшасига саводхон бўлиб, ўрта ва олий маълумотга эга бўлган ва турли касба ишлаб келатган катта интеллигенция коллективни етиштирган.

Мактабда ёш авлодни тарбиялаб, уларга илму-ҳўнар ўргатаётган ўқитувчиларнинг деярлик ҳаммаси шу қишлоқда туғилиб ўсган колхозчиларнинг фарандалари. Шу ерлик Турдали Қамбаров илмий мудир, Маматқул Қўшматов ўқитувчи бўлиб ишлайди. Оқбўта Деҳқонов агроном, Жуман Абдуқодиров врач, Маматқул Қаримқўлов аса техник-бинокор касбини етказган. Қишлоқда 18 миллат фарандалари яшайди. Уларнинг ҳаммаси кўлип-кўлага бериб, колхоз ишлаб чиқаришининг юксалиши, она-Ватанга кўлаб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар шу қуналарда пахта топириш планини Улуғ Октябрининг 40 йиллиги қунагача бажариш учун эъри гайрат билан ишламоқдалар.

Колхоз қишлоғидан, унинг «оқ олтин» далаларидан, мезозор бовларидан, тоғдаги чорва йилваларидан ўтар экансиз, коллектив хўжалигининг навадар чексиз имкониятларга эга эканлигини, янгидан-янги муваффақиятларини кўлаб киритганликларини кўриб қувонасиз. Гигант колхоз гигант ишларини амалга оширмоқда. Бўш ётган ерларни ўзлаштириб, янги экинзорларни вужудга келтирмоқда.



Колхоз маблагига клуб қурилган




Маданият ва истироҳат боғида



Янги касалхона



Пахта тайёрлаш пункти



Кинотеатр витринаси бинда



Колхоз ситирхонаси

қишлоқнинг гамили ҳолатлари пайдо бўлади, кўзалари бир нуқтага қадалиб, оғир ҳаёлларга чўмади.

— Мен шу ерлик, — Хос қишлоқдан бўлмаган, — деб сўз бошлайди Шукрулиев, — революциядан илгари бу яқин атрофда бизнинг кичкинагина, кўрмесиз қишлоғимиз ва унинг атрофидати 500 гектар экинзордан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ёринг кўпчилиги, қишлоғимизнинг арми аса бойларнинг эди. Биз ва бизларга ўйлашганлар бир бурда нон учун бўлар эшигига мардикор, даласида чоракор бўлишдан бошқа нарсига кучимиз етмасди. Деҳқон хароба кулбаларга яшаб, кишини-яқин бўйини эғиб ишлаган бўлмасди. Унга дунё қоронғи, ер қаттиқ-у, осмон узоқ эди.

